

Абдулхалирова Сабоҳат Наимовна
ТМИ катта ўқитувчиси
Турсунов Бекмуҳаммад Омонович
ТМИ ўқитувчиси

МАМЛАКАТНИНГ ЭКСПОРТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мазкур мақолада мамлакатнинг экспорт раҷобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантириш ва уни амалга оширишга доир тизимли жараёнларни ташкил этишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Таянч иборалар: *раҷобатбардошлик, экспорт раҷобатбардошлиги, экспорт фаолияти, экспорт салоҳити, экспорт таркиби, технологик тараққиёт, меҳнат унумдорлиги, жаҳон бозори конъюнктураси, инвестицион лойиҳа.*

В данной статье рассматривается формирование стратегии повышения конкурентоспособности экспорта страны и сформированы научные предложения и практические рекомендации по организации системных процессов по её реализации.

Ключевые слова: *конкурентноспособность, конкурентноспособность экспорта, экспортная деятельность, экспортный потенциал, состав экспорта, технологический прогресс, трудовая эффективность, конъюнктура мирового рынка, инвестиционный проект.*

In this article the formation of strategy of export competitiveness increasing is considered and scientific offers and practical recommendations to organization of system processes to its realization are created.

Keywords: *competitiveness, competitiveness of export, export activity, export potential, structure of export, technological progress, labor efficiency, environment of the world market, investment project.*

Бугунги кунда жаҳон хўжалигига шиддатли технологик тараққиёт ва инновацион ривожланиш йўналишлари таъсири остида қолган раҷобатбардошлик масаласи тобора мураккаб аҳамият касб этиб бормоқда. Шу сабабдан миллий иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тармоқлари фаолиятини модернизациялаш ва техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инвестицион лойиҳалар давомийлигини таъминлаш, тармоқлар фаолияти тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда тизимли характерга эга бўлган экспорт раҷобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Мазкур масалага доир мураккаб тузилмавий муаммоларнинг комплекс ечимини шакллантиришга қаратилган вазифаларнинг амалий ижроси, экспорт таркибида тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишнинг мувозанатли ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат, экспортга

йўналтирилган тармоқларда ишлаб чиқаришни мураккаб тузилмавий таркибини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги таъминлаш билан боғлик муаммоларнинг самарали ечимини шакллантириш орқали экспорт товарларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга кенг кўламли имконият яратади. Бу борада тизимли тартибга эга фаолият йўналишларини шакллантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маъruzасида қўйидагича тўхталиб ўтган эди: «...Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “ўзбек бренді” номи билан олиб чиқишдан иборат»¹.

Сўнги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш орқали маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мамлакат экспортини таркибий жиҳатдан такомиллашувини таъминлаш натижасида иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари ўртасида узвий боғлиқлик таъминланди.


Саноат соҳасида иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш ҳисобига саноат тармоқларини қайта ишлаш соҳаларида фонд қайтими ва меҳнат унумдорлиги жадал суръатларда ўсишига имконият яратилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чукурлаштирилиши тармоқлараро саноат кооперациясини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатди. Натижада, маҳаллий хом ашё ресурслари негизида импорт ўрнини босадиган ва ички бозорни зарурий истеъмол товарлари, бутловчи буюмлар билан тўлдириш имконияти пайдо бўлди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши, 2003 йилда саноатнинг умумий ҳажмида 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 5,5 фоизга ортди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташкил этилган корхоналар сони 2003 йилда 74 тадан 2016 йилда 318 тагача ўсади (1-расм).

Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган устивор тармоқларини эркинлаштириш ва модернизациялашга қаратилган чора тадбирлар натижасида экспорт таркибида сезиларли сифат ўзгаришлари рўй берди. Шунинг билан бир қаторда жаҳон бозори конюнктурасига мос равишда таклиф ҳажмининг билдирилиши, рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг муттасил амал қилиши, экспортга йўналтирилган тармоқларда эркин нархлар тизимининг жорий этилиши каби бир қатор ҳолатлар экспортни диверсификация қилишга кенг кўламли имконият яратди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.- 15 бет



1-расм. Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари⁴

2000-2017 йиллар экспорт таркибида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Хусусан, пахта толасининг экспорти 27,5 фоиздан 3,4 фоизга кискариб, тайёр маҳсулотларнинг жами экспорт ҳажмига нисбатан улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди.

2000-20117 йилларда Ўзбекистон Республикаси экспорт таркибининг ўзгариш суръати (фоизда)⁴

Экспорт таркиби	2000 й	2005 й	2010 й	2016 й	2017 й
пахта толаси	27,5	19,1	12,1	5,2	3,4
озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	9,7	5,7	6,3
кимё маҳсулотлари	2,9	5,3	5,1	6,9	6,4
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	10,3	11,5	22,8	14,1	13,8
қора ва рангли металлар	6,6	9,2	6,9	5,8	6,6
машина ва асбоб-ускуналар	3,4	8,4	5,5	1,8	2,6
хизматлар	13,7	12,2	10,2	26,3	25,2
бошқалар	30,2	30,5	27,7	34,2	35,7

Экспорт таркибини диверсификация қилишнинг иқтисодий ўсишга ижобий корреляцияси кузатилинди. Экспорт таркибининг диверсификацияси хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар турининг ортиши орқали экспорт географиясини кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Юқорида экспорт салоҳитидан самарали фойдаланиш борасида эришилган ютуқлар билан бирга бу борада айрим йўл қўйилаётган камчиликлар

⁴www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари
⁴www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари

ҳам кўзга ташланади. Ушбу камчиликларнинг комплекс ифодаси қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш даражаси ўртасидаги нисбатнинг юқорилиги. Ушбу нисбатнинг юқори даражадаги таъсири ҳудудлар ўртасида саноатда банд бўлган бир кишига меҳнат унумдорлигига нисбатан кескин фарқланишни юзага келтирмоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2017 йил декабр ҳолатига кўра Тошкент шаҳрида 122498,6 минг сўм, Сирдарё вилоятида 100165,8 минг сўм, Қашқадарё вилоятида 99299,1 минг сўм, Навоий вилоятида 94884,4 минг сўм ва Корақалпоғистон Республикасида 81524,6 минг сўмни ташкил этган;

- мамлакатимиз саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда, саноат ва бутун иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлиги камайтиришга йўналтирилган норматив кўрсаткич ва тарифларнинг барқарор эмаслиги;

- экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарини ташки бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан танишириб бориш тизимини жорий этиш даражасининг пастлиги;

- тармоқ ва ҳудуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган, ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши жараённида асосан хом-ашё ва техник-технологик ҳолатга нисбатан ёндашувнинг юқорилиги;

- энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни асосан экспорт таркибида юқори суръатларни қайд этаётган тармоқларда қўллаш жараёнининг ортиб бориши ҳисобидан тармоқ ва соҳалар экспорт фаолиятида юқори даражадаги номутаносибликларни юзага келаётганлиги² (нефть-газ, рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш саноати. Ушбу тармоқлар ҳиссасига мамлакат саноат экспортининг 70 фоиздан ортиғи тўғри келади) ва бошқалар.

Экспорт фаолияти билан боғлиқ бу каби қатор ҳолатлар мамлакатнинг экспорт рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантиришда ҳудудий ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ жараёнларни чукур тадқиқ этишини талаб этади. Шунингдек, бу борда тизимли ислоҳотларни амалга ошириш жараённида қучли рақобат мавқеига эга бўлган тармоқлар билан бир қаторда нисбий ва потенциал рақобатбардошлик мавқеига эга тармоқлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, мамлакатнинг экспорт рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантириш ва уни тизимли тартибда амалга ошириш жараённида қўйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- миллий ишлаб чиқаришни жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришлардан самарали ҳимоя қилиш ва ташки савдода ижобий балансни

²Б.О.Турсунов. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда рақобат муҳитининг ўрни. “Innovatsion texnologiyalar” илмий журнали.№3 (27) 2017 у. 55-бет

таъминлаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида ички талабни рағбатлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш;

- экспорт таркибида тайёр маҳсулот ва хизматлар салмоғини ошириш мақсадида экспортнинг потенциал рақобатбардошлик мавқеига эга бўлган тармоқлари фаолиятини замонавий технология ва илғор техникалар билан қуроллантириш;

- тармоқ ва ҳудуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштиришга қаратилинган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга оширишда иктисодий салоҳиятнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш жараёнини комплекс баҳолаш тизимини шакллантириш;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспорт фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқлар тенглигини таъминлаш ҳамда замонавий савдо тизимини барпо этиш мақсадида асосан экспортга йўналтирилган фаолиятни ички талабни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш;

- ички талабни комплекс рағбатлантириш ва ҳудудлар ўртасида иктисодий ресурсларга бўлган талабни самарали қондириш мақсадида кичик савдо зоналари ва саноат бирлашмаларини ташкил этиш³ ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.- 15 бет;

2. Б.О.Турсунов. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда рақобат мухитининг ўрни. “Innovatsion texnologiyalar” илмий журнали. №3 (27) 2017 й. 55-бет;

3. Б.О.Турсунов. Экспортга йўналтирилган тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантириш истиқболлари Ўзбекистон иктисодиёти рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Тошкент: Молия, 2017. 35-бет;

4. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари

³Б.О.Турсунов.Экспортга йўналтирилган тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантириш истиқболлари Ўзбекистон иктисодиёти рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Тошкент: Молия, 2017. 35-бет